

Намознинг фазилати | Ҳадис дарслари (267-дарс)

Ҳадис
ДАРСЛАРИ

267-ДАРС

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг «Ҳадис ва ҳаёт» туркум китоби асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат қилиш тавсия этилади.



19:00 / 31 январь 1127

هَلَلَا يَضَرَّ دَاتَقِ يَبَأُ نَع
هَلَلَا يَلَّصَّ يَبَّنَلَا نَع، هُنَع
هَلَلَا لَاقَ: لَاقَ مَلَسَوِ هَيْلَع
يَلَعُ تُضَرَّتْ فَا يِّنَا: لَجَّو زَع
تُدِعَوِ، تَأَوَّلَصَّ سَمَخَ كِتْمُأ
ظِفَا حِيءَاجُ نَمُ هُنَا أَدَعِ يَدُنَع
هَتَلَخْدَا نِهْتَقَوْلُ نَهَيْلَع

ظِفْ أَحْيِي مَلْ نَمَوْ، وَنَجْلَا
يَذْنَعُ هَلْ ذَعَّ أَلْفٌ نَهْيَلَعُ
دُوَادُ وَبَأُ هَاوَرُ

Абу Қатода розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Аллоҳ азза ва жалла: «Мен сенинг умматингга беш вақт намозни фарз қилдим. Мен Ўзимга Ўзим: «Ким уларни муҳофаза қилиб, ўз вақтида ўқиб келса, албатта жаннатга киритаман», деб аҳд бердим. Ким уларни муҳофаза қилмаса, Менинг ҳузуримда унга аҳд йўқдир», деди», деб айтдилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

Шарҳ: Бу ҳадиси қудсий бўлиб, уни Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам Аллоҳ таолодан ривоят қилмоқдалар.

Ушбу ҳадиси қудсийдан олинадиган фойдалар:

1. Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламнинг умматларига беш вақт намозни фарз қилганлиги.
2. Ким беш вақт намозини ўз вақтида яхшилаб ўқиса, Аллоҳ таоло уни албатта жаннатга киритиши.
3. Ким беш вақт намозни ўз вақтида яхшилаб ўқимаса, унга Аллоҳ томонидан яхши ваъда бўлмаслиги.

هَلَلَا يَضَرَّ رَهْرِيْرَهْ يَبَأُ نَعُ
هَلَلَا يَلَصَّ يَبْنَلَا نَعُ، هُنَعُ

وَلَمْ تُبَيِّنْ أَرَأَيْتَ لِقَاءَ مَلْسَوِيٍّ وَهَيْلَعٍ
مُكِدِّحٍ أَبِ بَابِ أَرَعَنٍّ نَأْسٍ
سَمَخٍ مُوَيْسٍ لُكُؤُهُ نَمْلٌ لَسَّ تَغْيِ
وَنَرْدُ نَمِ يَقْبِي لَهٍ تَأْرَمِ
نَمِ يَقْبِي آلٍ: أَوْلَاقٍ؟ عَيْشٍ
لَثَمَ كُلِّ ذَفٍّ: لِقَاءٍ، عَيْشٍ وَنَرْدٍ
هَلَلٍ أَوْ حَمِيٍّ سَمَخٍ لَاتٍ أَوْلَصَلٍ
هَسَمَخٍ لَأْ هَأْوَرٍ، أَيِ أَطْخَلٍ نَوْبٍ
: دُوَادٍ أَبَا آلٍ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Айтинглар-чи, агар бирингизнинг эшиги олдида анҳор бўлса, у ўшанда ҳар куни беш марта ювиниб турса, унинг киридан бирор нарса қоладими?» дедилар.

«Унинг киридан ҳеч нарса қолмайди», дейишди.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ана шунга ўхшаб, Аллоҳ беш вақт намоз ила хатоларни ювади», дедилар».

Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.

Шарҳ: Ҳадиси шарифдан намознинг фазилати ва гуноҳларнинг ювилиши бобида унинг тутган ўрни яққол аён бўлмоқда. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу маънони яхшироқ тушунтириш учун мисол келтирмоқдалар.

Бировнинг эшиги олдидан анҳор оқиб турса-ю, у одам ўша анҳорда ҳар куни беш маҳал ювиниб турса, унда кир қолмайди. Худди шунингдек, ҳар куни беш маҳал намоз ўқиган одамнинг ҳам гуноҳлари ювила-ювила, гуноҳдан асар ҳам қолмайди.

Ким бир маҳал намозни ўқимаса, унинг гуноҳларидан бир қисми тўкилмай қолиши аниқ. Икки маҳални ўқимаса, яна ҳам кўпроқ қолади ва ҳоказо. Бир кунги намозларини ўқимаса, анчагина кир тўпланади. Бир ҳафта ўқимаса, бир ой ўқимаса, бир йил ўқимаса, нима бўлиши маълум. Бир умр ўқимаганлар эса бир умр ювинмаган одамдан кўра бир неча миллион марта жирканч ҳолга келади. Чунки баданнинг кири – моддий кир, намоз ўқимаганнинг кири эса маънавий, руҳий кирдир.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Шаръий масалаларни тушунтириш учун мисоллар келтириш яхшилиги.
2. Намознинг ўта фазилатли эканлиги.
3. Намоз туфайли банданинг гуноҳлари ювилиши.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.